

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«27 » апрайль 2019 й.

№ 360

Toshkent sh.

Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш, талабалар ўқишини кӯчириш, қайта тиклаш ва ўқишидан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига, Кадрлар тайёрлаш милий дастурида белгиланган вазифалар ҳамда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш, талабалар ўқишини кӯчириш, қайта тиклаш ва ўқишидан четлаштириш тартиби ва коидаларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш, талабалар ўқишини кӯчириш, қайта тиклаш ва ўқишидан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2017 й., 6-сон, 108-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсун.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирисин

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим вазири И.У. Маджидов зинмасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Мажкамасининг
2019 йил “27” апрелдаги 360-сон қарорига
иловга

**Вазирлар Мажкамасининг “Олий таълим мұассасаларига ўқишиг
қабул қытиш, талабалар ўқишини күчирини, қайта тиқлаш ва ўқишидан
четлаштириш тартиби тұғрисидеги низомларни ғасырдаш ҳақида”
2017 йил 20 июннады 393-сон қарорига кирытилаётгап
үзгартириш ва құшимчалар**

1. Қарорниң 1-бандыда:

- а) тұрткынчи хатбошидеги “мұвофик;” сүзи “мұвофик тасдиқлансын”
сүзлари билан алмаштирилсін;
- б) бешинчи хатбоши чиқарып ташлансын.

2. 1-иловада:

- а) 1-бандынкі иккінчи хатбошиңы күйидеги таҳрирда баён этилсін:
“Ушбу Низом ҳарбий таълим мұассасатарига ва Үзбекистонда фаолият
олиб бораётгап хорижий олий таълим мұассасалары ҳамда уларнинг
филиалларига татбик этилмайды”;

б) 3-бандда:

- бірінчи хатбоши күйидеги таҳрирда баён этилсін:
“3. Олий таълим мұассасаларининг кундузги, сирткі, махсус сирткі
ва кечки (сменалы) таълим шақыларига талабаларни қабул қытиш Үзбекистон
Республикасы таълим мұассасаларига ўқишиг қабул кишини бүйіча Давлат
комиссиясы (кейингі үрнеларда Давлат комиссиясы деб аталады) томонидан
кириш имтихонлари (тест синовлари, қасбий (ижодий) имтихон, әзма имтихон)
натижаларига кура тұплаптап балларнинг рейтинг тизими бүйіча
амалға оширилады”;

турткынчи хатбошидеги “тұплаптап тест баллары” сүзлари “кириш
имтихонлари (тест синовлари, қасбий (ижодий) имтихон, әзма имтихон)
натижаларига кура тұплаптап баллары” сүзлари билан алмаштирилсін;

олттынчи хатбошидеги “ректорлари жойларда тест синовларини”
сүзлари “ректорлари (филиал директорлары) жойларда кириш
имтихонларини (тест синовлари, қасбий (ижодий) имтихон, әзма имтихон)”
сүзлари билан алмаштирилсін;

в) күйидеги мазмұндаги 4¹-банд күпілілсін:

“4¹. Абитуриентлардың шохила иктидор талаб этиладын таълим
йұналиштарига қабул тест синовларисын, қасбий (ижодий) имтихонлар
орқали амалға оширилады.

Касбий (ижодий) имтихон ўтказиладиган фанлар бўйича имтихон дастурлари ва хар бир фан хусусияти хисобга олинган ҳолда баҳолаш мезонлари, шунингдек, тегишли бакалаврият таълим йўналишларига мувофиқ келувчи фанлар мажмуси олий таълим мұассасалари томонидан ишлаб чиқилади ҳамда тизимида олий таълим мұассасалари бўлган вазирлик ва идоралар гомонидан тасдиқланади.

Жадвал бўйича касбий (ижодий) имтихонларга (имтихон боскини ёки турига) келмаган абитуриентлар учун кайта касбий (ижодий) имтихонлар ўтказилмайди, улар навбатдаги имтихонларга кўйилмайди ҳамда ўзишга қабул килинмайди;

г) 6-банднинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидағи "испац," сўзидан кейин "турк," сўзи қўшилсин;

д) 10-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

"10. Сиртки, маҳсус сиртки таълимга талабаларни қабул қилиш:

сиртки таълим шаклида – умумий ўрга (10-11-синфлар негизида), ўрта маҳсус, касб-хунар маълумоти тўғрисидаги тегишли ҳужжатга эга бўлган ва сиртки таълимга кириш имтихонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтихон, ёзма имтихон)дан муваффакиятли ўтган абитуриентлар хисобидан;

маҳсус сиртки таълим шаклида – факат мос ёки турдон таълим йўналиши бўйича ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотига ва таълим йўналишига мунофиқ соҳа, касб, лавозимларда камида уч йиллик амалий иш етажига (педагогик йўналишилар учун педагогик етажга) ҳамда ишлаб турган соҳа ташкилотларидан берилган тавсияномага оға бўйсан, кириш имтихонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтихон, ёзма имтихон)дан муваффакиятли ўтган абитуриентлар хисобидан амалга оширилади;

е) куйидаги мазмундаги $10^1 - 10^5$ -бандлар қўшилсин:

" 10^1 . Олий таълим мұассасалари бакалавриатининг сиртки таълим шаклига ўзишга қабул қилиш Давлат комиссиясининг карорига мувофиқ Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган кириш тест синовлари ёки олий таълим мұассасаларида ўтказиладиган кириш имтихонлари (касбий (ижодий) имтихон, ёзма имтихон) оркали танлов асосида амалга оширилади.

Бунда:

олий таълим мұассасалари бакалавриатининг сиртки таълим шаклига тест синовлари оркали ўзишга қабул қилиш Вазирлар Мажкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги 261-сон карори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим мұассасаларининг бакалавриатига ўқилига қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиши тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади;

олий таълим мұассасалари бакалавриатининг сиртки таълим шаклига олий таълим мұассасаларида ўтказиладиган кириш имтихонлари (касбий (ижодий) имтихон, ёзма имтихон) оркали танлов асосида ўқилига қабул қилиш мазкур Низомга 5-иловада белгиланган тартибда амалга оширилади.

10². Олий таълим муассасалари учун белгиланғаш қабул квоталари таркибида ҳудудлар кесимида мақсадлы қабул квоталари тасдиқланган таълим йўналишларига қабул муайян ҳудудда доимий яшайдиган (паспортдаги макъомути бўйича), умумий ўрта (10-11-синфлар негизида), ўрта маҳсус, қасб-хунар маълумоти тўғрисидаги тегишилли хужжатга эга бўлган ва кириш имтиҳонлари (тест синовлари, қасбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)дан муваффақиятли ўтган абитуриентлар хисобидан амалга оширилади.

10¹. Олий таълим муассасалари бакалавриатининг кундузги таълим йўналишларига ногиронлиги бўлган шахсларни күшимча давлат гранти квоталари асосида ўқишига қабул қилиши Вазирлар Мажкамасининг 2018 йил 2 июндангага 417-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни күшимча давлат гранти квоталари асосида ўқишига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом асосида амалга оширилади.

10⁴. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларининг офицерлари, шартнома бўйича хизмат килаёттаги сержантлар ва оддий аскарлар таркибидағи ҳарбий хизматни ўташда ҳалок бўлган, шунингдек, ҳарбий хизматни ўташда ярадор бўлган, контузия, шикаст олиш натижасида ногирон булиб колган ёки қасаликкларга дучор бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари вазирликлар ёки идораларининг тегишили тавсияномалари асосида белгиланган қабул квоталаридан ташқари давлат гранти асосида олий таълим муассасалари бакалавриатига (иккинчи ва ундан кейинги олий таълимдан ташқари) ўқишига танловсиз қабул килинадилар.

10⁵. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларининг хизматдаги офицерлари, шартнома бўйича хизмат килаётган сержантлар ва оддий аскарлар таркиби фарзандлари учун олий таълим муассасалари бакалавриатининг кундузги таълим шаклдаги таълим йўналишларига давлат гранти асосида белгиланган умумий қабул квоталарининг беш фоизи миқдорида давлат гранти асосидаги күшимча қабул квоталари ажратилади.

Ажратилган беш фоизли давлат гранти асосидаги күшимча қабул квоталарига талабаликка қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларининг белгиланган шаклдаги тавсияномаларига эга бўлган абитуриентларнинг тест синовлари натижаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ажратилган беш фоизли давлат гранти асосидаги күшимча қабул квоталарига қабул қилинмаган абитуриентлар тўплаган баллари билан мазкур таълим йўналишида умумий тартибда танловда иштирок этадилар”;

ж) 12-банд куйидаги таҳрирда баён этилсан:

“12. Олий таълим муассасаларида ўқишига қабулни сифатли ташкил этиш мақсадида олий таълим муассасаларида қабул комиссиялари ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар томонидан белгиланган тартибда қабул комиссияси раиси, унинг ўринbosари ва қабул комиссияси котиблари тайинланади. Бунда олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) лавозим бўйича қабул комиссиясига раислик қилади.

Қабул комиссиялари аъзоларининг вазифалари қабул комиссияси раиси томонидан белгиланади.

Абитуриентларниң ўқицига қабул қилиш ҳакидаги аризалари олий таълим муассасалари қабуси комиссиялари гомонидан 15 июндан 15 июлгача (шу куни ҳам), Ўзбекистон давлат консерваторияси учун 15 июндан 10 июлгача (шу куни ҳам) қабул килилади.

Аризалар онлайн тарзда ҳам қабул килиниши мумкин.

Абитуриент олий таълим муассасаси қабул комиссиясига қўйидаги хужжатларни тақдим этади:

таълим йўналиши, ўкув тили, шакли кўрсатилган ҳолдаги ариза (аризада олий таълим муассасасини тутгатганлиги ёки олий маълумоти йўклиги, кайси чег тилидан тест топшириши, ҳарбий тавсияномага эга бўлгантар унинг рақамини ва ташланган иккинчи олий таълим муассасаси, таълим йўналишини кўрсатишлари ҳамда тест синовларини ўтказиш коидалари ва жавоблар варакаларини тўғри тўлдириш билан танишганлиги кўрсатилиши);

умумий ўрта таълимни (11-синф негизида) тутгатганлиги ҳакидаги хужжат ёки ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасасини тутгатганлиги ҳакидаги хужжат ва унинг истоваси асл нусхаси;

паспорт (16 ёшга тўлмаганлар учун тутгансизлиги тўғрисидаги гувоҳнома)нинг нусхаси;

3,5 x 4,5 см ўлчамдаги 6 дона рангли фотосурат;

қонуни хужжатларнига мувофиқ ўқицга киринда имтиёз берувчи хужжатнинг асл нусхаси;

маҳсус сиртки бўлим абиғурientлари учун меҳнат дафтарчасидан белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма ва ишилаб турган соҳадаи тавсиянома.

Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар на кўзи ожизлар тоифасига кирувчи шахслар ушбу холатни тасдиқловчи хужжатларни топширадилар.

Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар тоифасига “Мехрибонлик ўйлари”да яшаб таълим олган, 18 ёшга тўлмаган, отаси ҳам, онаси ҳам вафот этиган ёки суд карорига бинош вафот этиган деб эълон килинган болалар киради.

Ариза шакли олий таълим муассасаси томонидан белгиланади.

Танловдан ташкари ўкишга кириш хукуқига эга бўлган ҳалқаро ва республика олимпиадалари, танловлар ва мусобакалар голиблари асл нусхадаги тасдиқловчи хужжатларни топширадилар.

Абитуриент аризасидаги “ўзим ҳакимда қўйидагиларни маълум қиласман” устунига хужжатлар билан тасдиқловчи ҳолатлар (болалиқдан I ва II гурӯҳ ногиронлари, етим, “Меҳрибонлик уйлари” тарбияланувчилари ва боқувчиси йўқ) кайд этилади.

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар ҳарбий қисм қўмондонлигининг гегишли тавсияномасининг аслити мазкур банднинг еттинчи – ўнинчи хатбошиларида курсатилган хужжатлар билан биргаликда тақдим этадилар.

Ҳарбий қисм тавсияномасининг шакли ва уни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат ҳавфсизлик хизмати томонидан белгиланади.

Абитуриент томонидан паспорт (16 ёнга тўлмаганлар тугилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома) қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Ҳарбий қисмлар қўмондонлиги тавсияномалари улар берилган кундан ҳамда муддатли ҳарбий хизматни тутатган давридан бошлаб уч йил мобайнида ҳакиқий ҳисобланади (олий таълим муассасасига талабаликка қабул қилинганини тўғрисидаги расмий бўйруқ бўлса, имтиёздан тақороран фойдаланиш мумкин эмас).

Хужжатлар қабул килишнинг босгиланган муддатлари тугагандан сўнг хужжатларга ўзgartириш ва қўшимчалар киритиш қатъиян ман қилинади.

Абитуриент томонидан толширилган хужжатларнинг қалбакалиги аниқланса, у ҳолда абитуриент кириш имтиҳонларидан (талабаликка қабул қилинган бўлса олий таълим муассасаси талабалари сафидан) четлаштириллади ҳамда хужжатлари белгиланган тартибда хуқукни муҳофаза қилиш органларига юборилади.

Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари 20 июлгача бўлган муддатда Давлат тест маркази орқали Давлат комиссиясига таълим йўналиши, ўкув шакли ва тиши кўрсатилган ҳолда, абитуриентларнинг сони ҳакида белгиланган шаклдаги маълумотни имтиёзга эга бўлганлар тўғрисидаги маълумотлар билан қўшиб тақдим этадилар”;

3) 17-бандда:

Биринчи хатбошидаги “тест синовларининг” сўzlари “кириш имтиҳонлари (тест синовлари, қасбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)нинг” сўzlари билан алмаштирилсиз;

учиичи хатбошидаги “тест натижалари” сўзлари “абитуриентларнинг олий таълим муассасаларига талабаликка тавсия этилганлиги” сўзлари билан алмаштирилсан;

и) 18-банднинг бешинчи хатбошидаги “тест синови” сўзлари “кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)” сўзлари билан алмаштирилсан;

к) 19-банднинг биринчи хатбошидаги “энг юқори бајилнинг 30 % (68,0 балл)дан” сўзлари “Давлат комиссияси томонидан белгиланадиган минимал баллдан” сўзлари билан алмаштирилсан;

л) 20-банд куйидаги таҳрирда баён этилсан:

“20. Кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)да тўплаган натижалари Давлат комиссияси томонидан белгиланадиган минимал баллдан кам бўлмаган, асосий квоталар доирасида ва Давлат комиссияси томонидан белгиланган қўшимча ўринларга қабул қилинмай колган ва ўқиш истагини билдириган абитуриентларга биринчи ўкув йилига амалда ўрнатилган тўлов-контракт миқдорига нисбатан 10 баробар ва ундан ортиқ оширилган тўлов-контракт миқдорида тўловини амалга ошириш шарти билан ўқишига кириш хукуки берилади.

Кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) натижаларига кўра Давлат комиссияси томонидан белгиланадиган минимал баллдан кам бали туплаган абитуриентларга биринчи ўкув йилига амалдаги оширилган тўлов-контрактнинг таълим йўналиши бўйича белгиланган энг юқори миқдорининг 2 баробарига тенг тўловини амалга ошириш шарти билан ўқишига кириш хукуки берилади.

Тест синовлари натижаси бўйича етарли балл тўпламаган ва оширилган тўлов-контракт асосида ўқиш истагини билдириган барча абитуриентлар учун оширилган тўлов-контрактнинг миқдори (баробари) кам бўлган таълим йўналишини танлаш имконияти берилади. Бунда, абитуриент тест тоширган фанлар маъмуасининг (фанларнинг блокдаги ўрни) мослиги билан биргаликда унинг доимий яшаш жойи ёки хужжат топширган олий таълим муассасаси жойлашган худуд мезон этиб белгиланади.

Оширилган тўлов-контракт асосида ўқиш истагини билдириган абитуриент Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатларда тўлов-контракт шартларини биринчи ўкув йили учун тўлик бажаргандан сўнг олий таълим муассасаси раҳбарининг бўйруғи билан ўқишига қабул килинади”;

м) 21-банднинг иккинчи хатбошиен чиқариб ташлансиз;

н) 23-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

“23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида” 1993 йил 5 февралдаги ПФ-555-сон Фармонига мувофиқ ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида” 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарори билан тасдиқланган

Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақалари галиблари бўлган академик лицейлар, касб-хунар колледжлари ва умумий ўрга таълим муассасалари ўқувчиларини тақдирлаш тартиби тұғрисидаги низом ҳамда Республика олимпиадалари, танловлари ва спорт мусобақаларини үтказиш тұғрисидаги визомлар асосида халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари галиблари ҳамда Олий ва ўрга маҳсус таълим вазиригингининг Касб-хунар таълими марказы таъсис этадиган маҳсус гувоҳномани олганлар Давлат комиссиясининг қарори билан тегишли олий таълим муассасаларининг мос таълим йўналишларига танловдан ташқари кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)сиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича тақлифларни кўллаб-куватлаш тұғрисида” 1999 йил 10 июндаги ПФ-2326-сон Фармонига мувофиқ Зулфия номидаги Давлат мукофотлари соҳибалари бўлган умумий ўрга, ўрга маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари мос таълим йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига танловдан ташқари кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)сиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мард ўғлон” давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тұғрисида” 2017 йил 21 ноябрдаги ПҚ-3402-сон қарорига мувофиқ “Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиблари бўлган умумтаълим ва ўрга маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари мос таълим йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига танловдан ташқари кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)сиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилги, Соглиқни саклаш вазирилги, Маданият вазирилги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирилги ва тегишли вазирилклар, идоралар томонидан ҳар йили үтказиладиган педагогика ўрга маҳсус, касб-хунар таълим муассасалари битирувчилари ва таълим муассасалари тарбияланувчиларининг “Тарбиячи” республика танлови галиби, тиббиёт муассасалари ҳамширларининг “Ҳамшира” республика танлови галиби, Бадийи академиясининг тасвирий санъат бўйича республика танлови галиблари, “Ниҳол” мукофоти совриндорлари мазкур вазирилклар, идоралар ва жамгармалар тақдимномаларига мувофиқ Давлат комиссиясининг қарори билан тегишли олий таълим муассасаларига, мос таълим йўналишларига танловдан ташқари кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)сиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул килиш мақсадида тавсияномалар бериш бўйича республика комиссияси тақдимномаси асосида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишига қабул килиш бўйича давлат комиссиясининг қарори билан доимий яшаш жойидаги олий таълим

муассасаларининг педагогика таълим йўналишларига танловдан ташкари кириш имтиҳонлари (тест синовлари, қасбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)сиз давлат грантлари асосида қабул килинадилар;

Наманган вилояти Тўракўргон туманинг Ишқоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг бутун ўкиш даврини аъло баҳоларга ўқиган битирувчилари Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг тавсиясига асосан Давлат комиссияси қарори билан олий таълим муассасалари бакалавриатининг хорижий тил ва адабиёти, филология ва тилларни ўқитиш таълим йўналишларига танловдан ташкари тест синовларисиз ва қасбий (ижодий) имтиҳонларсиз қўшимча давлат грантлари асосида ўкишга қабул килинадилар.

Олимпиада фани, танловлар билан олий таълим йўналишлари уртасидаги қасбий мувофиқлик Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Xalq таълими вазирлиги ҳамда Маданият вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари олимпиадалар, танловлар ва мусобақалар голибларининг аризалари ҳақидаги маълумотларни, таълим йўналиши, ўкув шакли ва тили кўрсатилган ҳонда, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази орқали Давлат комиссиясига 22 июлгача бўлган муддатде тақдим этадилар. Давлат комиссияси 31 июлгача ғолиб бўлганлар бўйича тегишли вазирликлар, идораларнинг тақдимномаси асосида алоҳида қарор қабул киласди.”;

о) куйидаги мазмундаги 24¹-банд қўшилсин:

“24¹. Ҳарбий хизматчилар орасидан юқори натижаларга эришган, ҳар бир ҳарбий қисмдан биттадан ёш ҳарбий хизматчи ҳарбий қисм кўмандонлиги (раҳбарияти) ва Узбекистон ўшлар иттифоқи бошлангич ташкилоти тавсияномасига мувофиқ олий таълим муассасаларига тасдиқланган давлат гранти квоталарига қўшимча равишда, имтиҳонларсиз қабул килинади”;

п) 25-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Гурӯҳ қўзи ожиз ногиронлар” сўзлари “қўзи ожизлар тоифасига кирувчилар” сўзлари билан алмаштирилсин;

р) куйидаги мазмундаги 26¹-банд қўшилсин:

“26¹. Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги қарорлардан норози бўлганлар тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ёки судга белгиланган тартибда мурожаат қилиш хуқуқига эга”;

с) Низомга 1-илюванинг 8-банди куйидаги таҳрирда баён этылсин:

“8. Жадвал бўйича қасбий (ижодий) имтиҳонларга (имтиҳон босқичи ёки турига) келмаган абитуриентлар учун кайта қасбий (ижодий) имтиҳонлар

ўтказилмайди, улар навбатдаги имтиҳонларга кўйилмайди ҳамда ўқидга қабул қилинмайди”;

т) Низомга 2-илованинг 5-банди биринчи хатбошисидаги “(тегишли равища 111,6 балл, 75,6 балл ёки 39,6 балл)” сўзлари “(тегишли равища 93,0 балл, 63,0 балл ёки 33,0 балл)” сўзлари билан алмаштирилсин;

у) 4-илова ўз кучини йўқотган деб хисоблансан;

ф) куйидаги мазмундаги 5-илова кўшилисин:

“Олий таълим муассасаларининг
бакалевриатига талабаларни ўқиши
қабул қилиш тартиби тўғрисида низомга
5-илова

Олий таълим муассасаларининг сиртқи таълим шаклига ўқишига қабул қилиш ТАРТИБИ

1. Ўқитишининг сиртқи шаклига талабаликка қабул факат тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

2. Ўқитишининг сиртқи шаклига кириш учун хужжатлар ҳар йили 1 июлдан 30 июнгача бўлган муддатда қабул қилинади.

3. Олий таълим муассасаси таълим йўналиши (фан) бўйича имтиҳон комиссиясининг раислигига номзодни ўз вақтида тасдиқлаш учун бўйсунувига қараб тегишли вазирлик ёки идора билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тақдим этади.

Олий таълим муассасаси таълим йўналиши (фан) бўйича имтиҳон комиссиясининг раислари рўйхати Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг бўйруги билан тасдиқланади.

4. Кириш имтиҳонлари бошланишидан олдин ректорнинг бўйруги билан тегишли фанлар бўйича имтиҳонларни ташкил этиш ва қабул қилиш учун тажрибали, малакали ва масъулиятли профессор-ўқитувчилар таркибидан таълим йўналиши (фан)лари бўйича имтиҳон комиссияси ташкил этилади.

5. Айрим ҳолларда олий таълим муассасаси таълим йўналиши (фан) бўйича имтиҳон комиссияси таркибига нодавлат иотижорат ташкилотлари вакиллари бошқа таълим муассасалари ўқитувчилари асосий иш жойи маъмуриятининг тавсияларига биноан киритилиши мумкин.

6. Ўқитишининг сиртқи шаклига кириш имтиҳонлари дастурлари, баҳолаш мезонлари ҳамда кириш имтиҳонлари бўйича уларга мувофиқ келувчи фанлар мажмуаси олий таълим муассасасининг ректори томонидан

бўйсунуви бўйича вазирлик ёки идора билан келишилган холда тасдиқланади ва кириш имтиҳонлари бошлинишидан олдин абитуриенглар эътиборига етказилади.

Кириш имтиҳонлари тоғшириклари умумий ўрта (11-синф негизида), ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими фанларининг ўкув дастурларига мувофиқ тузилади.

Спорт фанлари бўйича имтиҳонлар топшириктари абитуриентларнинг алоҳида тоифалари учун (жинси ва ёши бўйича) белгиланган мъёрий талабларга мувофиқ тузилади.

7. Кириш имтиҳонлари ўтказилишидан бир ҳафта олдин абитуриентларга олий таълим муассасаси қабул комиссияси масъул котиби имзолаган ва олий таълим муассасаси қабул комиссияси мухри кўйилган ва ушбу тартибга 1-иловада намуна сифатида келтирилган руҳсатнома берилади.

8. Кириш имтиҳонларини ташкил этиш ва уларни жойларда адолатли ўтказиш масъулияти олий таълим муассасалари қабул комиссиялари раислари, фан бўйича имтиҳон комиссия раислари на улар томонидан тайинланадиган масъул ходимларга юкланди.

9. Кириш имтиҳонлари хар йили 16 августдан 25 августгача бўлган муддатда ўтказилади.

Кириш имтиҳонлари камила 3 та фандан муайян таълим йўналишида ўқитиш тилида ўтказилади.

10. Педагогика таълим йўналишларига хужожат топшираётган абитуриентларга қасбий лаёкатига мувофиқ қасб ташлашга кўмаклашиш олий таълим муассасалари томонидан очик эшиклар куни, каръера куни, меҳнат ярмаркаси тадбирларини ўтказиш, шунингдек, абитуриентлардан хужжат қабул қилиш жараённида факультетларда ташкил этилган қасбга йўналтириш хоналаридан маслаҳатлар бериш орқали амалга оширилади.

11. Имтиҳонларга ажратиладиган вақт имтиҳон дастурларига мувофиқ олий таълим муассасаси қабул комиссиясининг қарори билан белтиланади.

12. Кириш имтиҳонлари ўтказиладиган бинога киришда абитуриент микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб киришга харакат киласа ёки олиб кирган бўлса, имтиҳонлар давомида имтиҳон топширикларини бошқа абитуриентга узатса ёки ёрдам берса, имтиҳонлар учун ажратилган вақт тутагапидан кейин имтиҳон топширикларини топширишдан бош торгса, имтиҳон топширикларини аудиториядан ташқарига чикарса, абитуриент имтиҳон ўтказиш тартибини бузган хисобланади ва таълим йўналиши (фан) бўйича имтиҳон комиссияси раиси (аъзоси) томонидан далолатнома тузилиб, у имтиҳондан четлаштирилади ва ўқишига қабул килинмайди.

13. Имтихон жараёни ҳар бир гурӯҳда камидა 2 пафар гурӯҳ назоратчиси кузатувида комиссия раиси томонидан тасдиқланган жадвалга катьйи риоя этилган холда ўтказилади.

14. Абитуриентларнинг ёзма (амалий) шақсида бажарган имтихон ишларини текшириш ва баҳолаш шифрлаш орқали амалга оширилади.

Кариш имтихони тугаганидан сўнг гурӯҳ назоратчиси абитуриентларнинг ёзма (амалий) имтихон ишларини қабул килиб олиш, ҳар бир ёзма (амалий) иш ва унинг ушбу тартибга 2-иловада намуна сифатида келтирилган титул варагига идентификация ракамлари (шифр)ни кўйиш ҳамда имтихон комиссияси раисига ушбу имтихон ишларини текширишга бериш учун масъул ҳисобланади.

Ёзма (амалий) имтихон ишларига кўйилган шифрларнинг маҳфилигини тъминлашга гурӯҳ назоратчиси шахсан масъул ҳисобланади.

Ёзма (амалий) имтихон ишларини шифрлаш ва кайта тиклаш ҳамда уларни текшириш ва баҳолаш маҳсус ажратилган хоналарда амалга оширилади.

Ёзма (амалий) имтихон ишларини объектив текшириш ва баҳолаш учун масъулият фан бўйича имтихон комиссияси раиси ва аъзоларига юклатилади.

Ёзма (амалий) имтихон ишлари қабул комиссияларнинг маҳсус хоналарида бир йил сакланади ва ушбу муддат ўтганидан сўнг белгиланган тартибида йўқ килинади.

15. Қабул комиссиялари фаолияти олий таълим муассасаси бўйсунувига кўра вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари ёки тегиши вазирлик ва идоралар томонидан ваколат берилган ходимлар томонидан кузатиб борилади.

16. Имтиҳонлар, тегишили бакалаврият таълим йўналишлари рўйхати ва уларга мувофиқ келувчи 3 та фан мажмуаларида тўпланиши мумкин будган максимал 189,0 баллдан, ҳар бир фаннинг ўрнига караб унинг учун ажратилган энг кўп баллнинг 0 дан 100 фоизгача бўлган ораликда баҳоланади.

17. Имтиҳонлар натижалари баллар микдори сифатида, титул варагига ва қайдномага киритилади. Бу хужжатларнинг ҳар бири фан бўйича имтихон комиссияси раиси ва олий таълим муассасаси қабул комиссиясининг масъул котиби томонидан имзоланади ҳамда мухъланади.

18. Ўқитишнинг сиргки таълим шақли бакалаврият таълим йўналишларига мувофиқ фанлар мажмуасидаги ҳар бир фан бўйича имтихон натижалари имтихон хусусиятига караб, имтихон ўтказилганидан кейин 1-3 кун муддатда олий таълим муассасаси расмий веб-сайтида эълон килинади.

19. Олий таълим муассасасида имтиҳонлар ўтказилиши даърида белгиланган тартибда норозилик (апелляция) аризаларини кўриб чиқиш учун апелляция комиссияси иши ташкил этилади.

Норозилик (апелляция) аризалари имтиҳон натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат ичидаги қабул қилинади ва апелляция комиссияси томонидан мурожаат қилинларниң сонидан келиб чиқсан ҳолда бир куидан уч кунгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

20. Жадвал бўйича имтиҳонларга (имтиҳон фани, босқичи ёки турига) келмаган абитуриентлар учун қайта имтиҳонлар ўтказилмайди ва улар ўчишга қабул қилилмайди.

21. Кириш имтиҳонлари натижаларига кўра абитетуриентларни талабаликка тавсия этиш тўғрисида олий таълим муассасаси ректорининг бўйруги қабул қилинниб, кириш имтиҳонлари қайдномалари хар йили 29 августга қадар бўйсунувига кўра тегишли вазирлик (идора)га тақдим этилади.

Ўқитишининг сиртқи шаклига талабаликка тавсия этилган абитетуриентларни 2 сентябрдан бошлаб дарсларга қатнашишга рухсат бериш тўғрисида олий таълим муассасасининг бўйруги расмийлаштирилади.

Ўқитишининг сиртқи шаклига абитетуриентларни ўчишга қабул қилиш юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ўчиш учун шартномада белгиланган маблағ миқдори 15 сентябрдан кечиктирилмай, белгиланган тартибда ўтказилгандан сўнг, олий таълим муассасаси ректорининг бўйруги билан расмийлаштирилади.

